

А Ж Р И М

/ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида/

2024 йил 23 июль куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, ўз биносида очик суд мажлисида, судья А.А.Жабборовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Сайфиллоевнинг котибалигида, томонлардан -давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси И.Рахимов, судланувчи [REDACTED], унинг химоячи-адвокати А.Рамазонов ва жабрланувчи [REDACTED]нинг иштирокида, судланувчи [REDACTED]га оид жиноят ишини кўриб чиқиб, иш ҳужжатларида

[REDACTED] / [REDACTED] - 02.05.1968 йилда Бухоро шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, мукаддам судланмаган, якка тартибида меҳнат фаолияти билан шуғулланади, Бухоро шаҳар, [REDACTED]да яшайди, унга нисбатан 2024 йил 18 июнь куни “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 25 июнь кунида олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддасининг 4-қисми билан судланувчига оид 1-2001-2403/378-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, судланувчи [REDACTED] қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, бир рўзғор асосида биргаликда яшаб келган ва умумий фарзандга эга бўлган шахсга яъни хотинига ўртacha оғирликдаги тан жароҳати етказиб, оилавий зўравонлик жиноятини қуйидаги ҳолатда содир қилган.

Жумладан, у қасддан жиноят содир қилиш йўлига ўтиб, 2024 йил 13 май куни соат тахминан 08:10 да Бухоро шаҳар, [REDACTED]да [REDACTED] бир рўзғор асосида биргаликда яшаб келаётган ва умумий фарзандга эга бўлган хотини [REDACTED] билан оилавий келишмовчиликлар замирида жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида, қўл ва оёқлари ҳамда “Venture Power” номли шишадан ишланган атир идиши билан танасининг турли қисmlарига бир неча маротаба уриб, суд тиббий экспертизанинг 24.05.2024 йилдаги 61-сонли хулосасига кўра, [REDACTED]нинг чап курак суяги ёпиқ синиши, ўнг қўл 1-бармоқ тирнок фалангаи ёпиқ синиши, кўкрак чап томон 3-4-5-қовурғаларни ёпиқ синиши, чап тизза ва чап елка соҳаларидаги қонталаш каби жароҳатлар аниқланиб, оғирлик даражасига кўра, ўрта оғирликдаги тан жароҳати етказиб, оилавий зўравонлик жиноятини содир қилган.



Дастлабки суриштирув органи томонидан, судланувчи [REDACTED] нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддасининг 4-қисми билан малакаланган.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, ўзи содир қилган жиноий ҳаракатига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги билдириб, жабрланувчи [REDACTED] унинг турмуш ўртоғи эканлигини, 2024 йил 13 май куни соат тахминан 08:10 да Бухоро шаҳар, [REDACTED] да турмуш ўртоғи [REDACTED] билан оилавий келишмовчиликлар сабабли жанжаллашиб, уни уриб тан жароҳати етказганлигини, ҳозирда унга етказилган зарарларни тўлиқ қопланганлигини, у жабрланувчи [REDACTED] билан ўзаро ярашганлигини, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, улар ўрталарида тузилган ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, унга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида судланувчи [REDACTED] унинг турмуш ўртоғи эканлигини, 2024 йил 13 май куни соат тахминан 08:10 да Бухоро шаҳар, [REDACTED] да турмуш ўртоғи [REDACTED] уни уриб тан жароҳати етказганлигини, ҳозирда турмуш ўртоғи [REDACTED] ундан кечирим сўраб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, улар ўзаро ярашганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирор-бир тазйиқ ўтказилмагани, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини ярашув асосида ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва унга етказилган зарарнинг ўрнини қопласа, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жиноят иши ҳужжатлари, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризалари билан танишиб, ишда қатнашаётган прокурорнинг судланувчи [REDACTED] га нисбатан жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчи ўз айбига иқрорлиги, уларга бирон-бир тазйиқ ўтказилмаганлиги, ярашув ихтиёрийлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашув асосида тугатиладиган ишлар тоифасига киришини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисида ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, судланувчи [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини томонлар ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатишни ҳамда иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “Venture Power” номли атир шиша идиши йўқ қилишни лозим топди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми,
423, 582-586-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 126¹-моддасининг 4-қисми билан [REDACTED] га нисбатан жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ўзаро ярашганликлари муносабати билан ҳаракатдан тугатилиб, жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Судланувчи [REDACTED] га нисбатан қўлланилган “Гаров” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, ажрим қонуний кучга киргач, Бухоро вилоят ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамида “Ипотека-банк” Бухоро вилоят филиалида сақланаётган 7.000.000 /етти миллион/ сўм гаров пуллари судланувчи [REDACTED] га қайтарилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича ашъвий далил деб эътироф этилган бир дона “Venture Power” номли атир шиша идиши йўқ қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан 10 /ўн/ сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхаси топширилган кундан эътиборан ш у муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Нусхаси аслига тўғри
Раислик қилувчи

/имзо/

А.А.Жабборов

А.А.Жабборов

